

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ФАРМАСЕВТИКА ИНСТИТУТИ

***Мавзу: Тирноқгулнинг шифобахш
хусусияти***

Бажарди: 2 курс, 1/1 гуруҳ Тоштемирова Вазира

Фармакогнозия кафедраси доценти М.Т.Юлчиева

Тошкент 2017

Тирноқгулнинг шифобахш хусусияти

Тирноқгул – Салендула* оффисиналис Л. – Астерасеае оиласига киради. Тирноқгул бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 50-70 см га етади. Илдизи шохланган ўқ илдиз. Пояси қаттиқ, тик ўсувчи, остки қисмидан бошлаб шохланган қиррали бўлиб, туклар билан қопланган. Барглари оддий – чўзиқ, четлари майда тишли. Гуллари пояси ва шохларининг учки қисмида жойлашган саватча кўринишида тўпгуллар ҳосил қилади. Гуллари кучсиз, ёқимли ҳидга эга.

Июнъ ойидан бошлаб, кеч кузгача гуллайди, меваси июндан бошлаб етилади.

Меваси – писта.

Тирноқгул уруғлари орқали кўпаювчи ўсимлик. Тупроқ харорат 20-22°C да, 2-3 см чуқурликда тупроққа тушган уруғлардан 6-10 кун ичида ниҳоллар ўсиб чиқади. Ўсиб чиққан ниҳолларни яхши парвариш қилинганда 35-45 кунда гуллайди, 60-65 кунда эса уруғлар пишиб етилади. Ўсимлик ҳосилини йиғиб олишини ҳисобга олган ҳолда қатор оралиғи 30-35 см да экиб ўстириш мақсадга мувофиқдир. Бир га ерга ўртача 10-12 кг уруғ сарфлаш мумкин. Тирноқгул унумдор ва нами етарли, механик таркиби ўртача тупроқларда яхши ҳосил беради. Ўсимликни баҳор ва ёз ойларида ҳам экиб ўстириш мумкин. Қиш ойлари илиқроқ келганда уларни совуқ урмайди ва эрта баҳор ойларида ҳам яхши гуллаши мумкин. Ёзнинг иссиқ кунларида гуллашни камайиши ва уруғларни пишиб етилиши тезлашади. Уруғлари тирноқсимон эгилган, бўйи 10-12 мм, эни 8-10мм бўлиб, орқа томони қовурғасимон, дағал туклар билан қопланган. 1000 дона уруғнинг вазни 8-10гр.

Тирноқгулнинг ватани Марказий ва Жанубий Европа ва Ўрта Осиё ҳисобланади. Манзарали ўсимлик сифатида Молдова, Украина, Россиянинг Европа қисмида, Кавказда доривор ўсимлик сифатида эса Краснодар, Приморие ўлкалари, Полтава, Москва вилоятларида ўстирилади. Ҳозирги вақтда бу ўсимлик Ўрта ер денгизи давлатларида Олмония (Германия), Франция, Австрия, Венгрия, АҚШ да ҳам маданий ҳолда экиб ўстирилади.

Тиббиётда тирноқгулнинг саватча тўпгуллари ишлатилади. Таркибида 3% гача каратиноидлар, эфир мойи, 3-4% смола, 0,64 % албуминлар, 6,8 % олма кислоталари ва бошқа моддалар мавжуд. Ўсимликнинг ер устки қисмида аччиқ модда календен, сапонин ва ошловчи моддалар учрайди. Илдизида инулин мавжуд.

* - “Салендал” – ойнинг биринчи куни. Ўсимликнинг гуллаши узок давом этгани учун шу ном берилган.

Ўсимликнинг гулларида тайёрланган дамлама ва қайнатмалар шамоллашни олдини олиш, микробларни ўлдириш, тер сийдик ва ўт суюқлигини ажралишини тезлатиш, аёлларда ҳайзни маромига солиш хусусиятларига эга.

Халқ табobati муолажаларида тирноқгулнинг спиртдаги эритмаси жигар, талоқ, ошқозон-ичак яллиғланиши ва унинг касалликларида фойдаланилади.

Фармацевтикада ҳам тирноқгулнинг суртмалари асосан шамоллашга қарши восита сифатида фойдаланилади. Стоматит, ангина, ошқозон – ичак касалликлари, жигар, гипертония, гепатит ва бошқа касалликларида кенг қўлланилади.

Тирноқгулнинг жуда кўп шифобахш хоссалари бор, ундан сийдик хайдайдиган, балғам кўчирадиган ва одамни терлатадиган дори сифатида фойдаланилади. Шу билан бирга баданнинг доғ тушган жойлари Гуш касаллиги, мастит(сут беzi яллиғланиши)га даво бўлади.

Илон – чаён чаққан одамларга ҳам тирноқгул ўсимлиги даво бўлади. Францияда бу ўсимлик гулларида яра жароҳатларини тузатишда, Ҳинд табobatiда эса одамни қувватга киргазиб, тетиклашишида дори сифатида буюрилади. Замонавий табобатда тирноқгул препаратлари марказий нерв системасини тинчлантириб, қон босимини пасайтириши, юрак иши маромини ўрнига келтириши аниқланган. Жигар, талоқ, буйрак, меъда, ўт йўллари касалликлари, гипертония, атеросклероз, климакс каби касалликларга даво қилишда фойдаланилади.

Томоқ оғриғи, тиш атрофидаги тўқималар касалликларида оғиз ва томоқни чайқаш учун тирноқгулдан тайёрланган дамламалар тавсия этилади. Тирноқгул гулидан “калефлон”, “карофилен” дори воситалари ва “карофилен” суртмалари тайёрланади. Тирноқгул ванналари теридаги қичишишлар, яра-чақалар, чипқон ва куйганда даво бўлади. Косметалогияда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Тирноқгул гулларида ажратиб олинган ранг (бўёқ) кондитер махсулотларини тайёрлашда энг сифатли ва мутлақо зарарсиз ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ҳам бу ўсимликни майдонлари кенгайтирилиб, ўсимликдан ўз ўрнида оқилонга фойдаланишимиз лозим.

Мавлуда Юлчиева
биология фанлари номзоди